

ISSN: 2181-0834
DOI: 10.26739/2181-0834

GEOGRAPHY:

NATURE AND SOCIETY

Informing scientific practices around the world through research and development



2020
VOLUME 2, ISSUE 1

11.00.00 – GEOGRAFIYA FANLARI

Bosh muharrir:
Главный редактор:
Chief Editor:

Rafiqov Vahob Asomovich
geografiya fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o‘rinbosari:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Sharipov Shavkat Muxamajanovich
geografiya fanlari nomzodi, dotsent

“Geografiya: tabiat va jamiyat” jurnali tahririy maslahat kengashi
Редакционный совет журнала “География: природа и общество”
Editorial Board of the Journal of Geography: Nature and Society

11.00.01 – Tabiiy geografiya / Физическая география
/ Physical geography

Urazbayev A.K. – g.f.d., professor
Raxmatullayev A. – g.f.d., professor
Abdunazarov O‘.Q. – g.f.n., dotsent
Mirakmalov M.T. – g.f.n., dotsent
Ibragimova R.A. – g.f.n., dotsent
Yarashev Q.S. – PhD, dotsent

11.00.02 – Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya /
Экономическая и социальная география / Economic
and social geography

Tojiyeva Z.N. – g.f.d., professor
Ahmadaliyev Y.I. – g.f.d., professor
Komilova N.K. – g.f.d., professor
Safarova N.I. – g.f.n., dotsent
Tashtayeva S.K. – g.f.n., dotsent
Egamberdiyeva M.M. – g.f.n., dotsent

11.00.03 – Quruqlik gidrologiyasi. Suv resurslari.
Гидрохимия / Гидрология суши. Водные ресурсы.
Гидрохимия / Land Hydrology. Water resources.
Hydrochemistry

Hikmatov F.H. – g.f.d., professor
Adenbayev B.Y. – g.f.d., dotsent
Myagkov S.V. – g.f.d., professor
Yunusov G`X. – g.f.n., dotsent
Umirzoqov G.U. – PhD

11.00.04 – Meteorologiya. Iqlimshunoslik.
Агrometeorologiya / Метеорология. Климатология.
Агrometeorologiya / Meteorology. Climatology.
Agrometeorology

Egamberdiyev X.T. – DSc, dotsent
Abdullayev A.Q. – g.f.d., professor
Petrov Y.V. – g.f.n., professor
Xolmatjonov B.M. – DSc, dotsent
Xolboyev G. – g.f.n., dotsent

11.00.05 – Atruf-muhitni muhofaza qilish va tabiiy
resurslardan oqilona foydalanish / Охрана
окружающей среды и рациональное использование
природных ресурсов / Environmental protection and
rational use of natural resources

Rafiqov V.A. – g.f.d., professor
Sabitova N.I. – g.f.d., professor
Nigmatov A.N. – g.f.d., professor
Sharipov Sh.M. – g.f.n., dotsent
Shamuratova N.T. – g.f.n., dotsent

11.00.06 – Geodeziya. Kartografiya / Геодезия.
Картография / Geodesy. Cartography

Safarov E.Y. – t.f.d., professor
Egamberdiyev A. – g.f.n., professor
Musayev I.M. – g.f.n., dotsent
Muborakov H. – t.f.d., professor
Prenov Sh. – PhD

11.00.07 – Geoinformatika / Геоинформатика /
Geoinformatics

Safarov E.Y. – t.f.d., professor
Gulyamova L.X. – g.f.n., dotsent
Mirmaxmudov E. – t.f.n., dotsent
Abdullayev T.M. – t.f.n., dotsent
Qurbonov B.T. – t.f.d., dotsent

Page Maker | Верстка | Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Абдуллаев Илхом, Каримов Илхом ЖИЗЗАХ СУВ ОМБОРИ ТАЪСИРИ ДОИРАСИДА ТАБИЙ-АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАРНИ РАЙОНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	4
2. Жумаханов Шавкатжон, Тошпўлатов Абдуқодир ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ТОПОНИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК, ЛИНГВИСТИК ВА ТАРИХИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	11
3. Алимқулов Нусратулла, Аллаёров Руслан ТОҒ ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ, ДИНАМИКАСИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ.....	18
4. Жумаханов Шавкатжон, Тошпўлатов Абдуқодир ХОНАДОНЛАРДА ОБОДОНЧИЛИК МАҚСАДИДА СУВДАН ОРТИҚЧА ФОЙДАЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ: ГЕОГРАФИК ВА СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ.....	27
5. Курбанов Музаффар ЛИНГВОГЕОГРАФИЯДА ТИЛ, МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ, УРФ-ОДАТ ВА ҚАДРИЯТЛАРНИ НОВЕРБАЛ МУЛОҚОТ ОРҚАЛИ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	36
6. Nigmanov Azizbek ХИТОУДА YOQILG'I-ENERGETIKA MAJMUASI VA TARMOQ RIVOJLANISHING GEOGRAFIK XUSUSIYATLARI.....	44
7. Abdullayev Ithom, Abduxalikov Kalmaxan ZIYORAT TURIZMI – TURIZM INDUSTRIYASINING MUNIM YO‘NALISHI SIFATIDA.....	49
8. Нигманов Азизбек, Ибрагимов Шахзод, Сагдуллаев Кувончбек ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОНАХ (НА ПРИМЕРЕ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН).....	57
9. Салимов Шерзод ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	64
10. Турсунназарова Шарафнисо УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: УРБАНИЗАЦИЯ ВА СУБУРБАНИЗАЦИЯ.....	75
11. Назарова Фируза ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЭКОЛОГИЯ ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	81
12. Примов Мухиддинжон ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ХУЖЖАТЛАРИДА ХХ АСРНИНГ 20–30-ЙИЛЛАРИДА РЕСПУБЛИКАДА ОЛИБ БОРИЛГАН КАРТОГРАФИК ИШЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	87

ГЕОГРАФИЯ: ТАБИАТ ВА ЖАМИАТ


ГЕОГРАФИЯ: ПРИРОДА И ОБЩЕСТВО

GEOGRAPHY: NATURE AND SOCIETY

11.00.05 – Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш
ЭКОЛОГИЯ ТАЪЛИМИ

Назарова Фируза Ахмеджановна,
Бухоро давлат университети
“Экология ва география” кафедраси катта ўқитувчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЭКОЛОГИЯ ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА
ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0834-2020-2-11>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада замонавий таълим тизимида талабаларни масофавий таълим олишга ўргатишда зарур бўлган шарт-шароитлар ва қўлланилиши ўринли бўлиши билан бир қаторда самарадор бўлган интерфаол методлар ҳақида сўз юритилади. Аниқроғи экология дарсларида қўлланилиши энг қулай ва долзарб бўлган “Баҳс-мунозара” ва “Муаммоли вазият” каби методларнинг моҳияти, тузилмаси, афзаллик ҳамда камчиликлари кенг ёритилган.

Калит сўзлар: интерфаол, метод, инновацион, педагогик, технология, баҳс, муаммоли вазият, дидактик.

Назарова Фируза Ахмеджановна,
Старший преподаватель кафедры “Экологии и географии”
Бухарского государственного университета

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ ДЛЯ ПРЕПОДАВАНИЯ
УРОКОВ ЭКОЛОГИИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь идет об интерактивных методах, использования которых могут быть как необходимыми, так и результативными в современной образовательной системе. А ещё точнее в этой статье описываются значения, структуры и правила использования таких методов, как “Проблемная ситуация” и “Спор-дискуссия”.

Ключевые слова: интерактивный, метод, инновационная, педагогическая, технология, спор, проблемная ситуация, дидактический.

Nazarova Firuza,
Senior lecturer of the Department of Ecology and geography
Bukhara State University

THE USE OF INTERACTIVE METHODS FOR TEACHING THE LESSONS OF ECOLOGY IN THE SYSTEM OF HIGHER EDUCATION

ANNOTATION

This article is about interactive methods, the use of which can be both necessary and effective in the modern educational system. More precisely, this article describes the values, structures, and rules for using methods such as “Problem situation” and “Dispute-discussion”.

Key words: interactive, method, innovative, pedagogical, technology, dispute, problem situation, didactic.

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

Олий таълимнинг бугунги кундаги асосий вазифаларидан бири талабаларни жадал равишда мураккаблашиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур. Олий таълимнинг самарадорлигини ошириш ва талабаларнинг ўз ихтисосликлари бўйича билимларни тўла эгаллашларига эришиш, шахснинг диққат марказида бўлишини ва ёшларнинг танлаган мутахассисликларига монанд, мустақил, чуқур билим олишларини таъминлаш учун олий таълим муассасаларига юқори малакали ва ўз соҳасидаги зарур билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари, замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда самарали фойдалана оладиган профессор-ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча таълим йўналишларида таълим олаётган талабаларни инновацион педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан куроллантириш ҳамда билимларини бойитиб бориш лозим. Талабалар ўз мутахассисликлари бўйича эгаллаган билимлари каторида педагогик ва психологик билимларни ҳамда технологик ёндашув асосидаги ўқитиш услубиётларини ҳам эгаллаган бўлишлари зарур. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда, уларнинг инновацион педагогика соҳасидаги билимларини оширишда қуйидаги масалалар муҳим деб белгиланади:

- ўқитиш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи педагогик малакаларни шакллантириш;
- ўқитувчи фаолиятининг методологик асоси сифатида педагогик билимлар тизимини эгаллаш;
- ўқитувчиларнинг касбий фаолиятлари давомида фойдаланиладиган услубий тизимига хос бўлган педагогик технологияларни ўзлаштириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий фан ютуқлари ва педагогик тажрибага таянган ҳолда туб ислохотлар ўтказилишини кўзда тутати. Бунинг учун, аввало, олий таълим тизими муассасаларида таълим жараёнини илғор, илмий-услубий жиҳатдан асосланган янги замонавий услубий қўлланмалар билан таъминлаш лозим. Талабаларга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, таълимда фан-техниканинг илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш, уларни дарс жараёнига сингдириш бугунги олий таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Юқори малакали педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими орқали шахснинг ҳар тамонлама баркамол бўлиб етишишини кўзда тутати. Шахс эса узлуксиз таълим шароитида кадрлар тайёрланишида таълим хизматларининг истеъмолчиси, педагоглар тайёрлаш жараёнининг иштирокчиси сифатида намоён бўлади.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари ишлаб чиқилган ва кенг қўлланилмоқда. Олий таълимда ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда, айниқса олий таълимда, ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш

мақсадга мувофиқ саналади. Таълимда анъанавий дарсдан умуман воз кечиб бўлмайди. Шундай экан унинг шаклини сақлаб қолган ҳолда, уни турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очиқда ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади. Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади.

Интерфаол методлар деганда, таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказида бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади: таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;

таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;

илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олинishi;

ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;

таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;

амалда бажариш орқали ўрганилиши;

икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Шу ўринда юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айрим интерфаол методларнинг моҳиятини ёритишни жоиз деб топдим.

1. “Баҳс-мунозара” методининг моҳияти


Талабаларнинг ўқув гуруҳларида уларнинг ўзаро муносабатларини янада яхшилаш, бир-бирларига тезлик билан кўникишлари ёки ўзаро бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлишлари учун баъзида улар ўртасида баҳслар ташкил этиб туриш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай баҳслар талабаларни ўз фикрларини чархлаб олишга, ҳаётга ва турли муаммоларга бўлган муносабатларини аниқлаб олишга катта ёрдам беради. Баҳс-мунозарали дарсларнинг мавзуларини талабаларнинг ўзлари танлашлари ва таклиф этишлари мумкин. Бу мавзулар уларни баҳсга чорловчи, муаммоли, қизиқарли бўлиши керак, акс ҳолда баҳс давомида талабалар ўз фикрларини баён эта олмайдилар ёки баҳсга қўшилиб ўз фикрларини исботлаб, ҳимоя қила олмайдилар. Баҳслар талабаларни баъзи янглиш фикрларга қарши курашишга ўргатади, атрофдаги бўлаётган воқеаларни тушунган ҳолда тўғри шарҳлашга, ўз фикрларида туришга, ноўрин фикрларга ўз вақтида қаршилиқ кўрсатишга ҳамда ҳар бир фикрни тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаб олишга, шу билан бир қаторда ўртоқлари билан суҳбат қилиш, баҳслашиш, ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш, таъсир эта олиш маданиятига ўргатади. Баҳсларни самарали ўтиши, албатта, уларнинг олдиндан қандай тайёрланганлигига боғлиқ. Биз қуйида баҳсларга тайёргарлик кўришда эътибор қаратилиши керак баъзи бир босқичларни ажратиб кўрсатмоқчимиз: баҳс мавзусини танлаш ва уни тасдиқлаб олиш; тарбиявий вазифаларни аниқлаб олиш; олдиндан баҳс мавзусини эълон қилиш ва баҳс давомида муҳокама қилинадиган саволларни белгилаб қўйиш; талабаларни баҳс давомида муҳокама қиладиган саволларини тўлароқ ёритишга ёрдам берадиган қўшимча материалларни тўплаш; баҳсни ўтказиш учун масъул ва бошловчиларни тайинлаш; баҳс ўтказиладиган жойни жиҳозлаш; баҳслашиш қоидаларини рангли, кўرғазмали этиб тайёрлаш. “Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;

- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Баҳс ўтаётган жойни жиҳозлаш ва безашда буюк педагог олимлар, мутафаккир ва донишмандлар фикрларини ёзиб, кўринарли жойга илиб қўйиш мумкин. Масалан: —Қоидани унутма: Маънодан узоқ кетма, гапни чўзма, оз гапир - кенг маъноли, соз гапир. Баҳсда муҳокама қилинадиган саволлар, муаммолар талабаларни ҳаяжонлантирадиган, куюнтирадиган, замонавий, уларнинг ҳаёт тарзига тегишли бўлгани маъқул. Шунда, таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулотида ва бошқа жойларда гапиришдан қўрқадиган, уяладиган талабалар мана шундай баҳслар давомида бемалол ўз фикрларини баён эта олишлари мумкин.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси келтирилган:



1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиш беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“Баҳс-мунозара” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундайди;
- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва таҳлил қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.


“Баҳс-мунозара” методининг камчиликлари:

- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

2. “Муаммоли вазият” методининг моҳияти

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир. “Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.

Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган:



“Муаммони vaziyat” методининг bosқичлари куйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммони vaziyatни танлайди, мақсад ва vazифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, vazифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.
4. Кичик гуруҳлар берилган муаммони vaziyatни ўрганадилар.
5. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
6. Бу bosқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг oқibatлари tўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
7. Муаммони eчишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммони vaziyatни eчиш йўлларини ishlab чиқадилар.
8. Кичик гуруҳлар муаммони vaziyatning eчими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.
9. Барча тақдимотдан сўнг бир хил eчимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммони vaziyatни eчиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“Муаммони vaziyat” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- таълим олувчилар муаммонинг сабаб, oқibat ва eчимларни топишни ўрганадилар;
- таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

“Муаммони vaziyat” методининг камчиликлари:

- таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
- қўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- кўп вақт талаб этилади.

Мен юқорида келтирилган методларни бежиз танламадим. Бугунги кунда таълим тизимига жуда кўп янги, замонавий методлар кириб келди, лекин уларнинг ҳаммасини ўринли, мақсадга йўналтирилган тарзда қўллаш таълим берувчилардан юксак маҳорат талаб этади. Экология дарсларида ўқитиладиган мавзуларнинг барчаси талабаларни чуқур мулоҳаза юритишга, кенг фикрлашга, ҳар қандай ҳолатларда ҳам муаммони vaziyatни яратишга ва унинг eчимини топишга ундайди. Айниқса, амалий экология дарсларида бу жараён ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам юқоридаги методларнинг моҳиятини ёритишда аниқ мавзуга мурожаат қилинмади.

ХУЛОСАЛАР

Таълим амалиётида педагогик технологияларнинг қўлланилиши таълим тизими модернизациясининг таркибий элементи ҳисобланади. Замонавий шароитда таълим-тарбия жараёнларини технологиялаштириш кам куч ва вақт сарфлаган ҳолда кутилаётган натижани қўлга киритишга имкон беради, ўқитиш сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширади. Интерфаол методлар педагогик фаолиятга янгиликларнинг изчил олиб кирилишини

тавсифлайди. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлиб, таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи интерфаол методларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олиши зарур.

Иқтибослар

- [1] Н.А.Муслимов, М.Ҳ.Усмонбоева, Д.М.Сайфулов, А.Б.Тўраев. Инновацион таълим технологиялари – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 150 б.
- [2] Ш.М.Мелибоева. Педагогик инновацияларнинг таълим тизимида тутган ўрни – Молодой учёный. – 2017. - №4.2 . – 138 бет
- [3] Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.
- [4] М.М.Аликулова. Инновацион педагогика. Услубий қўлланма – Т.: ТДИУ, 2012.- 129 бет.
- [5] Р.Ишмухамедов, А.Абдуқодиров, А.Пардаев. Таълимда инновацион технологиялари – Т.: Истеъдод, 2008. – 93 бет.

GEOGRAFIYA: TABIAT VA JAMIYAT

2 SON, 1 JILD

ГЕОГРАФИЯ: ПРИРОДА И ОБЩЕСТВО

НОМЕР 2, ВЫПУСК 1

GEOGRAPHY: NATURE AND SOCIETY

VOLUME 2, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000